

**ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИ БОШҚАРИШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК  
МОДЕЛЛАРИ: ҲОРИЖИЙ ТАЖРИБА, ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМЛАР  
ВА ҚИЁСИЙ ХУЛОСАЛАР**

**Тлеубаев Ерполат Нажимович**

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети мустақил изланувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18359828>

**Аннотация.** Мақолада фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этишда ҳорижий давлатларнинг ҳамкорлик соҳасидаги тажрибалари қиёсий-ҳуқуқий ва ташкилий-бошқарув ёндашуви асосида таҳлил қилинади. Тадқиқотда ҳамкорликнинг асосий институционал механизмлари — ягона бошқарув занжири (*incident command*), идоралараро штаблар, рискка асосланган сценарий режаслаштириш, ерта огоҳлантириш ва мониторинг тизимлари, ресурслар консолидацияси, логистика ва резервлар бошқаруви, аҳоли билан коммуникация, ҳамда қўшма ўқув-маишқлар — тизимли кўриб чиқилади.

Шунингдек, халқаро амалиётда давлат–маҳаллий ҳокимият–хусусий сектор–ННТ ҳамкорлиги, трансчегаравий ахборот алмашинуви, гуманитар ёрдам координацияси, стандарт операцион тартиблар (*SOP*) ва натижадорликни баҳолаш (*KPI*) каби элементларнинг роли ёритилади. Маълумотлар ишончилиги, киберхавфсизлик, ҳуқуқий ваколатлар аниқлиги ва ҳисобдорлик механизмларига оид муаммолар ҳам таҳлил этилади.

Яқунда миллий тизимга мослаштириш учун илгор хорижий ечимлардан келиб чиқадиган илмий-амалий тавсиялар шакллантирилади.

**Калит сўзлар:** фавқулодда вазият; халқаро тажриба; идоралараро ҳамкорлик; қиёсий-ҳуқуқий таҳлил; *incident command*; ерта огоҳлантириш; *SOP*; ресурслар ва логистика; қўшма ўқув-маишқлар; *KPI*.

**Аннотация.** В статье представлен сравнительно-правовой и организационно-управленческий анализ зарубежных практик взаимодействия при предупреждении и ликвидации чрезвычайных ситуаций. Рассматриваются ключевые институциональные механизмы сотрудничества: единая цепочка управления (*incident command*), межведомственные штабы, риск-ориентированное сценарное планирование, системы мониторинга и раннего оповещения, консолидация ресурсов, управление логистикой и резервами, коммуникация с населением, совместные учения и тренировки. Отдельно анализируются модели партнёрства «государство—местная власть—частный сектор—НПО», трансграничный обмен информацией и координация гуманитарной помощи, стандартизированные операционные процедуры (*SOP*) и инструменты оценки результативности (*KPI*). Освещаются вопросы достоверности данных, киберустойчивости, правовой определённости полномочий и механизмов подотчётности.

В заключении сформулированы рекомендации по адаптации лучших зарубежных решений к национальной системе управления ЧС.

**Ключевые слова:** чрезвычайные ситуации; зарубежный опыт; межведомственное взаимодействие; сравнительно-правовой анализ; *incident command*; раннее оповещение; *SOP*; ресурсы и логистика; совместные учения; *KPI*.

**Abstract.** This article provides a comparative legal and governance-oriented review of foreign practices of cooperation in emergency prevention and response.

*It examines core institutional mechanisms, including unified command chains (incident command), inter-agency staff structures, risk-based scenario planning, monitoring and early-warning systems, resource pooling, logistics and reserve management, public communication, and joint drills. The paper also discusses partnership models involving central government, local authorities, private sector and NGOs, as well as cross-border information sharing and humanitarian coordination. Standard operating procedures (SOPs) and KPI-based performance monitoring are assessed alongside challenges related to data reliability, cyber resilience, mandate clarity, and accountability. The article concludes with recommendations on adapting proven international solutions to strengthen national emergency management cooperation.*

**Keywords:** emergency management; foreign experience; inter-agency cooperation; comparative legal analysis; incident command; early warning; SOPs; resource and logistics management; joint drills; KPIs.

Фавқулудда вазиятлар кўп субъектли, юқори riskли ва тезкор қарор қабул қилишни талаб қиладиган жараён бўлгани учун уни самарали бошқаришда ҳамкорлик ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Ҳорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, натижа фақат техника ёки ресурс миқдорига эмас, балки ваколатлар аниқлиги, ягона бошқарув занжири, маълумотлар алмашинуви, SOPлар ва кўшма тайёргарлик тизимининг етуқлигига боғлиқ. Шу сабабли, турли мамлакатларда шаклланган ҳамкорлик моделларини қиёсий ўрганиш миллий тизимда профилактика, тайёргарлик ва жавоб қайтариш механизмларини такомиллаштириш учун муҳим илмий-амалий асос яратади.

Хусусан, мамлакатда табиий офатлар, техноген авария ва экологик ҳодисалар сонининг ортиши фавқулудда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этишда йўналишида Қуролли кучлар тизимидаги ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини янада ошириш шунингдек, мамлакатнинг миллий хавфсизлигини мустаҳкамлашда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда фавқулудда вазиятларни олдини олиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш давр талабига айланишда десак ҳеч муболаға бўлмайди.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимининг таркиби ҳамда фаолият кўрсатиш тартибини белгилаш мақсадида, 2023 йил 29 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 171-сонли Қарори <sup>1</sup> нинг қабул қилинганлиги фикримиз тасдиғидир.

Бугунги кунда мамлакатда фавқулудда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш йўналишида Қуролли кучлар тизимидаги органлар ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида ҳорижий олимларнинг илмий асарлари ва ривожланган давлатларнинг ижобий тажрибаларини таҳлиллар асосида ўрганиб, миллий қонунчиликка имплементация қилиш, ушбу илмий асарнинг долзарблигини янада оширишга хизмат қилади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Миллий қонунчилик базаси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 09/23/171/0234-сон / Lex/uz.

Эндиликда, ривожланган давлатлардан бири бўлган Россия Федерациясининг ҳуқуқшунос олимлари томонидан фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш йўналишида юзага келадиган ҳамкорликнинг у ёки бу жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган илмий асарлар билан танишиш, мазкур тадқиқот ишини илмий салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Жумладан, А.А.Кувшиновнинг “Международное сотрудничество РФ и ЕС в области предупреждения и ликвидации последствий чрезвычайных ситуаций: 1990-2010 гг.”<sup>2</sup> номли, В.С.Сергеевнинг “Деятельность российского государства по созданию системы защиты населения и территорий страны в чрезвычайных ситуациях природного и техногенного характера: 1991-2005 гг.”<sup>3</sup> номли, В.В.Лисаускайте “Международно-правовые проблемы сотрудничества государств в сфере защиты от опасных сейсмических явлений” номли<sup>4</sup>, А.Т.Яндиевнинг “Правовое регулирование оказания гуманитарной помощи лицам, пострадавшим от чрезвычайных ситуаций: международно-правовой аспект” номли<sup>5</sup>, А.В.Мищенко “Правовое регулирование международного сотрудничества в сфере обеспечения безопасности при чрезвычайных ситуациях” номли<sup>6</sup>, В.Б.Гольцовнинг “Частноправовые отношения в деятельности подразделений Единой государственной системы предупреждения и ликвидации чрезвычайных ситуаций Российской Федерации”<sup>7</sup> номли, Н.В.Удальцованинг “Правовое регулирование деятельности субъектов правоохранительной системы при чрезвычайных ситуациях природного и техногенного характера”<sup>8</sup> номли, Д.Н.Чагалидзе “Правовые и Организационные проблемы взаимодействия органов государственной власти и организаций по предупреждению и тушению лесных пожаров: на примере Ленинградской области”<sup>9</sup> номли шунингдек, В.Б.Игнатьевнинг “Правовое регулирование межведомственного взаимодействия МВД России и МЧС России в чрезвычайных ситуациях”<sup>10</sup> номли илмий асарлар шулар жумласидандир.

Шу ўринда, юқорида номлари қайд этилган илмий асарда фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш йўналишида юзага келадиган ҳамкорлик муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифларни муаллифлар кесимида таҳлил қилсак

<sup>2</sup> <https://www.dissercat.com/content/mezhdunarodnoe-sotrudnichestvo-rf-i-es-v-oblasti-preduprezhdeniya-i-likvidatsii-posledstviy>.

<sup>3</sup> <https://www.dissercat.com/content/deyatelnost-rossiiskogo-gosudarstva-po-sozdaniyu-sistemy-zashchity-naseleniya-i-territorii-s>.

<sup>4</sup> <https://www.dissercat.com/content/mezhdunarodno-pravovye-problemy-sotrudnichestva-gosudarstv-v-sfere-zashchity-ot-opasnykh-sei>.

<sup>5</sup> <https://www.dissercat.com/content/pravovoe-regulirovanie-okazaniya-gumanitarnoi-pomoshchi-litsam-postradavshim-ot-chrezvychayn>.

<sup>6</sup> <https://www.dissercat.com/content/pravovoe-regulirovanie-mezhdunarodnogo-sotrudni-chestva-v-sfere-obespecheniya-bezopasnosti-pr>.

<sup>1.00.1.1</sup> <sup>7</sup> <https://www.dissercat.com/content/chastno-pravovye-otnosheniya-v-deyatelnosti-podraz-delenii-edinoi-gosudarstvennoi-sistemy-pred>.

<sup>1.00.1.2</sup> <sup>8</sup> <https://www.dissercat.com/content/pravovoe-regulirovanie-deyatelnosti-subektov-pravo-okhranitelnoi-sistemy-pri-chrezvychaynykh>.

<sup>1.00.1.3</sup> <sup>9</sup> <https://disser.uz/pravovye-i-organizacionnye-problemy-vzaimodejstviya-organov-gosu-darstvennoj-vlasti>.

<sup>10</sup> <https://www.dissercat.com/content/pravovoe-regulirovanie-mezhvedomstvennogo-vzai-modeist-viya-mvd-rossii-i-mchs-rossii-v-chrezvy>.

максадга мувофиқ бўлади. Хусусан, А.А. Кувшинов<sup>11</sup> нинг “Международное сотрудничество РФ и ЕС в области предупреждения и ликвидации последствий чрезвычайных ситуаций: 1990-2010 гг” номли тадқиқот ишида Россия Федерацияси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий-ташқилий асослари ва ривожланиш йўналишлари чуқур таҳлил қилинган. Муаллиф фавқулдда вазиятларда биргаликда ҳаракат қилишнинг халқаро-ҳуқуқий асосларини шакллантиришга эътибор қаратган. Бу илмий иш Ўзбекистон учун, айниқса, халқаро миқёсдаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқишда аҳамиятлидир.

Шунингдек, В.С. Сергеев<sup>12</sup> эса ўзининг “Деятельность Российского государства по созданию системы защиты населения и территорий страны в чрезвычайных ситуациях природного и техногенного характера: 1991-2005 гг” асари Россияда фавқулдда вазиятларга қарши кураш тизимини яратиш бўйича давлат сиёсати ва амалий тадбирларни чуқур ўрганган. Муаллиф давлат томонидан амалга оширилган ислохотлар, махсус хизматлар ташкилоти ва уларнинг фаолиятини тартибга солишга доир таклифлар билан чиқади. Бу Ўзбекистонда фавқулдда вазиятларни бошқаришнинг самарадорлигини оширишда қўллаш мумкин бўлган муҳим ғояларини тақдим этади.

В.В.Лисаускайте<sup>13</sup> эса ўзининг “Международно-правовые проблемы сотрудничества государств в сфере защиты от опасных сейсмических явлений” номли асарида хавfli сейсмик ҳодисаларга қарши курашда давлатлараро ҳамкорликни ривожлантиришнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганади. Бу иш сейсмик хавfli минтақаларга эга бўлган Ўзбекистон учун ҳамкорликни кенгайтиришда ҳуқуқий асосларни яратишда илмий қийматга эгадир.

Бундан ташқари, А.Т. Яндиев<sup>14</sup> нинг “Правовое регулирование оказания гуманитарной помощи лицам, пострадавшим от чрезвычайных ситуаций: международно-правовой аспект” асарида фавқулдда вазиятларда гуманитар ёрдам кўрсатишнинг халқаро ҳуқуқдаги нормалари ва уларнинг амалиётда қўлланилиши таҳлил қилинган. Ўзбекистонда фавқулдда вазиятларда ёрдам кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришда мазкур тадқиқотдаги методик ёндашувлардан фойдаланиш мумкин.

<sup>11</sup> Кувшинов А.А. Международное сотрудничество РФ и ЕС в области предупреждения и ликвидации последствий чрезвычайных ситуаций: 1990-2010 гг // <https://www.dissercat.com/content/mezhdunarodnoe-sotrudnichestvo-rf-i-es-v-oblasti-preduprezhdeniya-i-likvidatsii-posledstviy>.

<sup>12</sup> Сергеев В.С. “Деятельность российского государства по созданию системы защиты населения и территорий страны в чрезвычайных ситуациях природного и техногенного характера: 1991-2005 гг” <https://www.dissercat.com/content/deyatelnost-rossiiskogo-gosudarst-va-po-sozdaniyu-sistemy-zashchity-naseleniya-i-territorii-s>.

<sup>13</sup> Лисаускайте В.В. Международно-правовые проблемы сотрудничества государств в сфере защиты от опасных сейсмических явлений // <https://www.dissercat.com/content/mezhdunarodno-pravovye-problemy-sotrudnichestva-gosudarstv-v-sfere-zashchity-ot-opasnykh-sei>.

<sup>14</sup> Яндиев А.Т. Правовое регулирование оказания гуманитарной помощи лицам, пострадавшим от чрезвычайных ситуаций: международно-правовой аспект // <https://www.dissercat.com/content/pravovoe-regulirovanie-okazaniya-gumanitarnoi-pomoshchi-litsam-postradavshim-ot-chrezvychayn>.

А.В. Мищенко<sup>15</sup> ўзининг “Правовое регулирование международного сотрудничества в сфере обеспечения безопасности при чрезвычайных ситуациях” асарида эса фавкулудда вазиятларда хавфсизликни таъминлаш бўйича халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий жиҳатлари ёритилган. Ўзбекистоннинг хавфсизлик соҳасидаги халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш учун мазкур тадқиқотнинг ҳуқуқий тақлифлари катта аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, В.Б. Гольцов<sup>16</sup>нинг “Частноправовые отношения в деятельности подразделений Единой государственной системы предупреждения и ликвидации чрезвычайных ситуаций Российской Федерации” номли асари фавкулудда вазиятларни бошқаришда хусусий-ҳуқуқий муносабатларнинг аҳамиятини ёритади. Муаллиф хусусий ва давлат секторлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришнинг ҳуқуқий асосларини ўрганган. Бу Ўзбекистонда хусусий сектор иштирокини фаоллаштиришда долзарб ҳисобланади.

Шунингдек, Н.В. Удальцова<sup>17</sup>нинг “Правовое регулирование деятельности субъектов правоохранительной системы при чрезвычайных ситуациях природного и техногенного характера” номли асарида бўлса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фавкулудда вазиятлардаги ролини ва уларнинг ҳуқуқий асосларини чуқур таҳлил қилади. Ўзбекистон Миллий гвардиясининг фаолиятини такомиллаштиришда бу ишдаги тавсиялар самарали бўлиши мумкин.

Д.Н. Чагалидзе<sup>18</sup>нинг “Правовые и Организационные проблемы взаимодействия органов государственной власти и организаций по предупреждению и тушению лесных пожаров: на примере Ленинградской области” номли асарида давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотлар ўртасидаги ўзаро алоқанинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари таҳлил қилинган. Бу ёндашув Ўзбекистонда фавкулудда вазиятларда бошқарув тизимини такомиллаштиришда аҳамиятлидир.

Юқоридаги ҳуқуқшунос олимлардан айнан В.Б.Игнатъев<sup>19</sup>нинг “Правовое регулирование межведомственного взаимодействия МВД России и МЧС России в

---

<sup>15</sup> Мищенко А.В. Правовое регулирование международного сотрудничества в сфере обеспечения безопасности при чрезвычайных ситуациях // <https://www.dissercat.com/content/pravovoe-regulirovanie-mezhdunarodnogo-sotrudni-chestva-v-sfere-obespecheniya-bezo-pasnosti-pr>.

**1.00.1.4** <sup>16</sup> Гольцов В.Б. Частноправовые отношения в деятельности подразделений Единой государственной системы предупреждения и ликвидации чрезвычайных ситуаций Российской Федерации // <https://www.dissercat.com/content/chastno-pravovye-otnosheniya-v-deyatelnosti-podraz-delenii-edinoi-gosudarstvennoi-sistemy-pred>.

**1.00.1.5** <sup>17</sup> Удальцова Н.В. Правовое регулирование деятельности субъектов правоохранительной системы при чрезвычайных ситуациях природного и техногенного характера // <https://www.dissercat.com/content/pravovoe-regulirovanie-deyatelnosti-subektov-pravo-okhranitelnoi-sistemy-pri-chrezvychaynykh>.

**1.00.1.6** <sup>18</sup> Чагалидзе Д.Н. Правовые и организационные проблемы взаимодействия органов государственной власти и организаций по предупреждению и тушению лесных пожаров: на примере Ленинградской области // <https://disser.uz/pravovye-i-organizacionnye-problemy-vzaimodejstviya-organov-gosu-darstvennoj-vlasti>

<sup>19</sup> Игнатъев В.Б. Правовое регулирование межведомственного взаимодействия МВД России и МЧС России в чрезвычайных ситуациях // <https://www.dissercat.com/content/pravovoe-regulirovanie-mezhvedomstvennogo-vzai-modeist-viya-mvd-rossii-i-mchs-rossii-v-chrezvy>

чрезвычайных ситуациях” номли илмий асари мазкур тадқиқот ишини мазмунан янада бойитишга хизмат қилади. Мазкур асарга кўра, Россия Федерациясида фавқулодда вазиятларда Ички ишлар вазирлиги (ИИБ) ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (ФВВ) ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий жиҳатларини тартибга солишчи механизмларни чуқур таҳлил қилади. Асарнинг ижобий жиҳатлари қуйидаги илмий асосларга таянади.

Буларга:

а) *идоралараро ҳамкорликни ҳуқуқий жиҳатдан асослаш* — Бунда муаллиф ўз асарида икки идора ўртасидаги ҳамкорликни тартибга солиш учун мавжуд қонунчилик базасини таҳлил қилади. Унга кўра, фавқулодда вазиятларда идоралараро муносабатларни аниқ белгилаш фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, Игнатъев халқаро ҳуқуқ ва Россия қонунчилигидаги энг яхши амалиётларни танқидий таҳлил қилади ва уларни такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар беради;

б) *ҳудудий даражадаги ҳамкорлик* — асарда фавқулодда вазиятларни бошқаришда ҳудудий даражада ҳамкорликни мувофиқлаштириш механизмларига алоҳида урғу берилади. Муаллиф ҳудудий идораларнинг биргаликдаги ҳаракатларини самарали бошқариш учун қонунчиликда аниқ тартиб ва мезонларни жорий қилиш таклифини илгари суради. Бу ёндашув ҳудудларда тезкорлик ва мувофиқлаштиришни таъминлайди;

в) *ахборот алмашинуви* — муаллифнинг энг муҳим ижобий жиҳатларидан бири бу ахборот алмашинувининг самарадорлигини ошириш бўйича қонунчилик таклифларидир.

Асарда ИИБ ва ФВВ ўртасида ягона ахборот тизимини яратиш ва уни қонунчилик билан таъминлаш ғояси илгари сурилади. Бу тизим фавқулодда вазиятлар ҳақидаги маълумотларнинг тезкор етказилишини таъминлайди;

г) *кадрлар тайёрлаш* — Игнатъев кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларига ҳам катта эътибор қаратган. У, айниқса, идоралараро тренинглар ва ўқув машғулотларини юридик жиҳатдан тартибга солишни таклиф қилади. Бу фавқулодда вазиятларда икки идора ходимларининг биргаликдаги ҳаракатларини самарали қилади;

д) *фавқулодда вазиятларни бошқаришнинг интеграцияланган тизими* — асарда ИИБ ва ФВВ фаолиятини мувофиқлаштирувчи интеграцияланган тизимни яратиш ва бу тизимни қонунчилик базаси билан таъминлаш таклиф этилган. Муаллифнинг бу йўналишдаги тадқиқотлари идоралараро муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган амалий механизмларни илмий асослаш билан фарқланади;

е) *қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар* — Игнатъев, амалдаги Россия қонунчилигини таҳлил қилар экан, фавқулодда вазиятларда самарали ҳамкорликни таъминлаш учун янги ҳуқуқий нормаларни жорий қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиққан. Хусусан:

- ✓ идоралараро ҳаракатларнинг аниқ вазибаларини белгилаш;
- ✓ молиявий ва моддий-техник ресурсларни тақсимлаш механизмларини қонуан мустаҳкамлаш;
- ✓ фавқулодда вазиятлар туфайли етказилган зарарларни қоплашда идоралараро ҳамкорликни аниқлаштириш.

ё) *илмий ва амалиётга асосланган ёндашув* — муаллиф ўз таҳлилларида илмий-амалий ёндашувдан фойдаланиб, идоралараро муносабатлардаги мавжуд муаммоларни

ёритади ва уларни ҳал этиш учун инновацион таклифлар беради. Бу ёндашув нафақат Россия, балки халқаро миқёсда қўлланиши мумкин бўлган амалиётларнинг ривожланишига ҳисса қўшади. Шу ўринда, В.Б. Игнатъевнинг тадқиқоти юзасидан хулоса қилсак, Янги Ўзбекистон шароитида, айниқса, Фавкулудда вазиятлар вазирлиги ва Миллий гвардия ўртасидаги ҳамкорликни ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш учун қимматли илмий асос бўлиши мумкин. Ушбу асардаги ижобий ғоялар ва тавсиялар миллий қонунчиликка мослаштирилган ҳолда қабул қилинса, фавкулудда вазиятларда самарали бошқарув тизимини яратишга ёрдам беради.

Юқорида биз хорижий давлатларнинг ҳуқуқшунос олимлари томонидан фавкулудда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш йўналишида Қуролли кучлар тизимидаги органлар ўртасидаги ҳамкорликни тақримлаштиришга қаратилган илмий назарий қарашларни таҳлил қилдик. Эндиликда, ривожланган **Америка Қўшма Штатлари, Германия, Япония, Франция ва Швеция** каби хорижий давлатларнинг фавкулудда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш йўналишида ўзаро ҳамкорлик фаолиятининг ижобий жиҳатларини ёритиш мақсадга мувофиқдир.

**АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ**<sup>20</sup> давлати — мазкур давлатда фавкулудда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш бўйича ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлик механизми мураккаб, кўпқиррали ва юқори даражада интеграциялашган тизимдир. Бу тизим бир қатор асосий ташкилотлар ва дастурлар, шунингдек, стандартлаштирилган ёндашувлар орқали самарали бошқарилади. Қуйида бу механизмнинг асосий жиҳатлари кенгроқ ёритилади:

**1. Миллий Фавкулудда вазиятлар бошқаруви тизими (NIMS) — мазкур “NIMS”** тизими АҚШнинг барча даражадаги ҳукумат органлари, хусусий сектор ва жамоат ташкилотлари ўртасида фавкулудда вазиятларга жавоб бериш жараёнини мувофиқлаштириш учун яратилган стандартлаштирилган тизимдир. Унинг асосий жиҳатлари қуйидагиларни ўз ичига олади. Буларга:

✓ **терминологиянинг бир хиллиги:** барча иштирокчи ташкилотлар бир хил тушунчалар ва атамалардан фойдаланади, бунинг натижасида самарали алоқа таъминланади;

✓ **идоралараро интеграция:** барча даражадаги ташкилотлар ва ҳукумат органлари умумий мақсадлар учун бирлашади;

✓ **ресурсларни бошқариш:** фавкулудда вазиятларда ресурсларнинг самарали тақсимланишини таъминлайдиган ягона тизим;

✓ **қуйидан юқоригача ёндашув:** ҳар бир даражадаги ташкилотлар ўз масъулиятини бажаради, аммо умумий мақсадларга мувофиқ ишлайди.

---

<sup>20</sup>Изоҳ: АҚШда фавкулудда вазиятларни бошқаришнинг ҳуқуқий асослари турли даражадаги қонунлар ва фармонлар орқали таъминланади. Буларга: *биринчидан*, Stafford Act (1988): Фавкулудда вазиятларда федерал ёрдам кўрсатишни тартибга солади; *иккинчидан*, Homeland Security Act (2002): Фавкулудда вазиятларга жавоб бериш учун умумий тизим яратади; *учинчидан*, Public Health Security and Bioterrorism Preparedness and Response Act (2002): Биологик хавфлар билан боғлиқ фавкулудда вазиятларни тартибга солади.

2. *Миллий жавобгар рамка (NRF)* — мазкур “NRF” ташкилоти фавқулдда вазиятларда барча иштирокчи томонларнинг вазифа ва жавобгарликларини аниқ белгилайди. Бу тизим “барча хавфлар” ёндашувига асосланиб, ҳар қандай турдаги фавқулдда вазиятларда самарали жавоб беришни таъминлайди. Бунда у:

- *ташкилотлар ўртасидаги мувофиқлаштириш* — федерал ҳукумат, штат ҳукуматлари, маҳаллий идоралар, хусусий сектор ва нодавлат ташкилотлар ўртасидаги ролларни аниқ белгилайди;

- *сценарийга мослашувчанлик* — турли вазиятларга мослашувчан бўлган механизмлар орқали ишлайди;

- *қабилавий ва ҳудудий ҳукуматлар иштироки* — АҚШнинг маҳаллий ва этник гуруҳлари ҳам ушбу тизимга интеграция қилинган.

3. *Федерал Фавқулдда вазиятлар бошқармаси (FEMA)* — мазкур “FEMA” бошқарма АҚШнинг фавқулдда вазиятларга жавоб бериш бўйича асосий ташкилоти ҳисобланади. Унинг вазифаларига қуйидагилар киради. Буларга:

- ❖ *режалаштириш ва тайёргарлик*: Фавқулдда вазиятларга тайёргарлик кўриш учун стратегия ва қонунчиликни ишлаб чиқиш;

- ❖ *молиявий ёрдам кўрсатиш*: Фавқулдда вазиятларда зарар кўрган штат ва маҳаллий ҳукуматларга молиявий ёрдам ажратиш;

- ❖ *қайта тиклаш жараёнлари*: Фавқулдда вазиятлардан кейин жамоаларни қайта тиклаш ишларини мувофиқлаштириш.

4. *Ҳамкорликнинг асосий механизмлари* — буларга:

а) *идоралараро мувофиқлаштириш*:

АҚШда идоралараро мувофиқлаштиришга катта эътибор қаратилади. Масалан, FEMA, АҚШ Ички ишлар вазирлиги, соғлиқни сақлаш ташкилотлари, Қизил Хоч жамияти ва бошқа ташкилотлар умумий мақсадлар учун бирлашади. Уларнинг ўртасидаги ҳамкорлик қуйидаги тартибда амалга оширилади. Жумладан:

- *ахборот алмашиш платформалари*: турли ташкилотлар ўртасида тезкор ахборот алмашиш учун онлайн платформалардан фойдаланилади;

- *масъулиятларни тақсимлаш*: ҳар бир ташкилотнинг вазифалари аниқ белгилаб кўйилган.

б) *қўшма ўқув машғулотлари*:

АҚШда ҳар йили фавқулдда вазиятларга тайёргарлик кўриш бўйича қўшма ўқув машғулотлари ўтказилади. Бу машғулотларда штат ва маҳаллий идоралар, хусусий ташкилотлар ва халқаро шериклар қатнашади.

в) *шартномалар ва келишувлар*:

штатлар ва маҳаллий ҳукуматлар ўртасидаги шартномалар ёрдам ва ресурсларни тезкор етказишни таъминлайди. Масалан: ЕМАС (Emergency Management Assistance Compact): Ҳудудлараро ёрдам кўрсатиш учун асосий келишув.

Юқоридаги келтирилган маълумлардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида шунни айтиш мумкинки, АҚШда фавқулдда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш бўйича механизмлар стандартлаштирилган, мослашувчан ва самаралидир.

Бу механизмлар нафақат миллий хавфсизликни таъминлашга, балки халқаро миқёсдаги фавқулодда вазиятларда ҳам юқори даражадаги кўмак кўрсатишга хизмат қилади. Ўзбекистонда мазкур тажрибани миллий қонунчиликка жорий этиш, ресурсларни тақсимлаш ва идоралараро мувофиқлаштириш самарадорлигини ошириш учун муҳим илмий асос бўлиши мумкин.

**ГЕРМАНИЯ** давлати — фавқулодда вазиятларни бошқариш соҳасидаги тизим кўп даражали ҳамкорлик асосида ишлайди. Бу жараёнда асосий ролни федерал агентликлар, маҳаллий ҳукуматлар ва хусусий сектор ўйнайди. Ушбу тизим самарали ишлаш учун турли даражадаги қонунлар, халқаро шартномалар ва мувофиқлаштирувчи тузилмаларга асосланади.

1. Германиянинг асосий ташкилотлари. Буларга:

а) *Bundesamt für Bevölkerungsschutz und Katastrophenhilfe*<sup>21</sup> — аҳолини ҳимоя қилиш ва офатларни бартараф этиш федерал агентлиги (*Bundesamt für Bevölkerungsschutz und Katastrophenhilfe*) Германияда фавқулодда вазиятларда аҳолини ҳимоя қилиш бўйича асосий ташкилот ҳисобланади. Унинг асосий вазифалари:

➤ *фавқулодда вазиятларга тайёргарлик режаларини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш;*

➤ *аҳолини эвакуация қилиш, қутқарув ишларини ташкил этиш;*

➤ *давлат ва маҳаллий ҳукуматлар ўртасида ҳамкорликни мувофиқлаштириш.*

б) *THW (Technisches Hilfswerk)*<sup>22</sup> — Техник кўллаб-қувватлаш агентлиги (THW) техноген офатлар ва табиий офатларда жавоб бериш бўйича ихтисослашган федерал тузилмадир. THW кўнгиллилардан иборат бўлиб, унинг асосий фаолият йўналишлари:

➤ *техник қутқарув ишларини амалга ошириш;*

➤ *табиий ва техноген офатларда инфратузилмаларни тиклаш;*

➤ *халқаро гуманитар ёрдам операцияларида иштирок этиш.*

2. Ҳамкорлик тартиби. Буларга:

а) *давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик*<sup>23</sup> — Германияда фавқулодда вазиятларни бошқаришда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳамкорликнинг асосий жиҳатлари:

❖ *келишув платформалари:* давлат идоралари ва хусусий компаниялар ўртасида ўзаро ёрдам келишувлари;

❖ *ресурсларни тақсимлаш:* хусусий секторнинг ресурслари фавқулодда вазиятларда давлат эҳтиёжлари учун фойдаланилади.

б) *халқаро ташкилотлар билан мувофиқлаштириш*<sup>24</sup> — Германия халқаро ташкилотлар, жумладан, НАТО, Европа Иттифоқи ва БМТ билан яқин ҳамкорликда

<sup>21</sup>Германия Конституцияси (Grundgesetz): Федерал ҳукуматнинг фавқулодда вазиятлардаги ваколатларини белгилайди ва Германия Фавқулодда Ҳолатлар Қонуни (Zivilschutz- und Katastrophenhilfegesetz): BBK фаолиятини тартибга солувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат.

<sup>22</sup> THW қонуни (Technisches Hilfswerksgesetz): THW ташкилоти фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилайди. Шунингдек, Германия халқаро ёрдам қонунлари: Германиянинг халқаро операциялардаги ролини тартибга солади.

<sup>23</sup> Қўллаш Қонуни (Gesetz über das öffentliche Beschaffungswesen): Давлат-хусусий ҳамкорлик шартномаларини тартибга солади. Шунингдек, Иқтисодий Ҳимоя Қонунлари: Хусусий секторнинг фавқулодда вазиятлардаги роли учун ҳуқуқий қафолат беради.

ишлайди. Бу ҳамкорлик гуманитар ёрдам, офатларни бошқариш ва хавфсизликни таъминлаш соҳаларига қаратилган.

3. Механизмлар ва қўшма фаолият. Буларга:

а) Ахборот алмашинуви — ахборот алмашиш жараёнида ягона рақамли платформалардан фойдаланилади. Масалан: Warning and Information System (*Фавқулодда вазиятларда тезкор ахборот етказиб бериш учун ишлатилади*) ва халқаро ахборот алмашиш тармоқлари (*НАТО ва Европа Иттифоқи доирасида ахборот алмашуви йўлга қўйилган*);

б) Қўшма ўқув машғулотлари — ВВК ва ТНВ халқаро ташкилотлар билан биргаликда мунтазам равишда машғулотлар ўтказишади. Уларнинг мақсади фавқулодда вазиятларда биргаликда ҳаракат қилиш кўникмаларини такомиллаштиришидир;

в) Кўнгиллилар иштирокини таъминлаш — ТНВ фаолияти кўнгиллилар иштирокини рағбатлантиришга қаратилган. Бу Германияда фавқулодда вазиятларга тайёргарликнинг муҳим қисми ҳисобланади.

Юқоридаги келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида Германияда фавқулодда вазиятларни бошқариш соҳасида ВВК ва ТНВнинг ўзаро ҳамкорлик механизмлари яхлит ва тизимли ёндашувга асосланган. Давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги, халқаро ташкилотлар билан мувофиқлаштирув ва ҳукукий асослар Германиянинг бу соҳадаги тажрибасини муваффақиятли қилади. Бу тизим Ўзбекистонда фавқулодда вазиятларни бошқариш соҳасини такомиллаштиришда фойдали намуна бўлиши мумкин.

**ЯПОНИЯ** давлати — мазкур давлатда фавқулодда вазиятларни бошқариш бўйича самарали ва инновацион тизимга эга. Бу тизим табиий офатлардан зарарланиш хавфини камайтириш ва тезкорлик билан жавоб беришга йўналтирилган. Японияда асосий ташкилотлар ўзаро мувофиқлаштирилган иш ва илғор технологияларга асосланган ҳамкорликни таъминлайди. Қуйида Япониядаги тизимнинг кенгроқ ёритилиши келтирилган.

1. Асосий ташкилотлар. Буларга:

а) Japan Meteorological Agency<sup>25</sup> (*Метеорологик кузатув ва прогноз агентлиги (JMA)*) — Японияда табиий офатларни олдини олишда асосий ролни ўйнайди. Унинг вазифаларига қуйидагилар киради:

✓ *ер қимирлаши, цунами, бўрон ва бошқа табиий офатларнинг кузатуви ва прогнозини амалга ошириш;*

✓ *огоҳлантириш тизимлари орқали аҳолини тезкор хабардор қилиш;*

✓ *миллий ва маҳаллий ҳукумат органларига прогноз маълумотларини етказиш.*

<sup>24</sup> НАТОнинг Гуманитар Ёрдам Протоколлари: Германиянинг НАТО доирасидаги фавқулодда вазиятлар бошқарувидаги ролини белгилайди. Шунингдек, Европа Иттифоқининг Ҳамкорлик Дастури (Union Civil Protection Mechanism): Германиянинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан фавқулодда вазиятлардаги ўзаро ёрдам жараёнини тартибга солади.

<sup>25</sup> Meteorological Service Act: Метеорологик хизматларни ташкил этиш ва огоҳлантириш тизимларини бошқариш бўйича JMA ваколатларини белгилайди. Шунингдек, Basic Disaster Management Plan: JMAнинг офатларни олдини олиш бўйича вазифаларини умумий бошқарув тизимига интеграция қилади.

б) Fire and Disaster Management Agency<sup>26</sup> (ёнгин ва фавқулодда вазиятлар бошқаруви агентлиги (FDMA)) — ёнгинларни назорат қилиш ва фавқулодда вазиятларда жавоб бериш билан шуғулланади. Унинг асосий вазифалари:

- ✓ ёнгиндан ҳимоя қилиш тизимларини назорат қилиш.
- ✓ қутқарув ишларини мувофиқлаштириш.
- ✓ миллий ва маҳаллий даражадаги фавқулодда вазиятларни бошқаришни таъминлаш.

## 2. Ҳамкорлик тартиби. Буларга:

✓ а) миллий ва маҳаллий ҳукумат органлари ўртасида ахборот алмашинуви<sup>27</sup> — Японияда ахборот алмашинуви тезкорлик ва аниқликка асосланган. Бу жараён автоматлаштирилган ахборот тизимлари орқали амалга оширилади. Хусусан:

✓ **Disaster Information System** (миллий ва маҳаллий ҳукумат органлари ўртасида фавқулодда вазиятлар ҳақида маълумот алмашиш учун ишлатилади);

✓ **Japan Alert System** (Фавқулодда вазиятлар бўйича аҳолини огоҳлантиришнинг автоматлаштирилган тизими. Бу тизим радио, телевидение ва мобиль қурилмалар орқали сигнал юборади).

б) илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик<sup>28</sup> — Японияда хавф-хатарларни баҳолаш ва офатларнинг олдини олиш бўйича илмий-тадқиқот ишларига катта аҳамият берилади:

✓ **Earthquake Research Institute (ERI)** (Ер қимирлаши хавфини баҳолаш бўйича тадқиқотлар ўтказиши);

✓ **National Research Institute for Earth Science and Disaster Resilience (NIED)** (Табиий офатларни олдини олиш учун инновацион технологияларни ишлаб чиқади).

3. **Технологиялар ва инновация.** Бунда Япония технология ва инновацияларни фавқулодда вазиятларни бошқариш тизимига интеграция қилишда етакчи давлатлардан бири ҳисобланади. Қуйида бу соҳадаги асосий механизмлар:

✓ **сейсмик огоҳлантириш тизимлари** (ер қимирлаши бошланишидан аввал аҳолини тезкор огоҳлантириш учун ишлатилади);

✓ **дронлар ва сунъий йўлдошлар** (табиий офатлар ҳудудини мониторинг қилиш ва зарарни баҳолашда ишлатилади);

✓ **сув тошқини прогнозлари** (сув сатҳини кузатувчи автоматлаштирилган сенсорлар тизими).

<sup>26</sup>Fire Service Act: Ёнгин хавфсизлиги ва қутқарув ишларини ташкил қилиш бўйича FDMA ваколатларини белгилайди. Шунингдек, Disaster Countermeasures Basic Act: FDMA фаолиятининг умумий бошқарув тизимидаги ролини аниқлайди.

<sup>27</sup> Disaster Information Act: Ахборот алмашинувининг ҳуқуқий асосларини белгилайди. Шунингдек, Telecommunications Business Act: Ж-ALERT тизимини тартибга солиш конун.

<sup>28</sup> Research Promotion Act: Илмий-тадқиқот муассасаларининг фавқулодда вазиятлардаги ролини белгилайди. Шунингдек, Basic Act on Disaster Management: Илмий муассасаларни офатларни бошқариш тизимига интеграция қилишни тартибга солади.

#### 4. Халқаро ҳамкорлик<sup>29</sup>. Буларга:

Япония халқаро даражада ҳам фавқулодда вазиятларни бошқариш соҳасидаги ҳамкорликни фаол тарғиб қилади. Унинг асосий йўналишлари:

✓ *БМТнинг Офатларни камайтириш бўйича халқаро Стратегияси (UNDRR) (Япония ушбу стратегия доирасида табиий офатларни олдини олишга қаратилган тадбирларда қатнашади);*

✓ *Халқаро огоҳлантириш тизимлари (Цунами ва ер қимирлашини кузатувчи халқаро платформаларда иштирок этади).*

Юқоридаги келтирилган маълумлардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида Японияда фавқулодда вазиятларни бошқариш тизими инновацион технологиялар, автоматлаштирилган ахборот алмашинуви ва илмий-тадқиқот ишлари билан мустаҳкамланган. Бу тизим нафақат миллий хавфсизликни таъминлаш, балки халқаро миқёсдаги фавқулодда вазиятларда ҳам юқори даражадаги самарадорликни таъминлашга қаратилган. Ўзбекистон Япониянинг мазкур тажрибасидан фойдаланиш орқали ўз миллий тизимини такомиллаштириши мумкин.

**ФРАНЦИЯ** давлати — мазкур давлатда фавқулодда вазиятларни бошқаришда интеграцияланган тизимга эга бўлиб, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва табиий ҳамда техноген офатларга жавоб бериш бўйича илғор моделлардан фойдаланади. Бу жараёнда фуқаролик хавфсизлиги хизмати ва маҳаллий кўнгиллилар муҳим рол ўйнайди, ҳамда Евроиттифоқ билан мувофиқлаштирилган ҳудудий операциялар ўтказилади.

#### 1. Асосий ташкилотлар. Буларга:

✓ *а) Sécurité Civile<sup>30</sup> — мазкур ташкилот Франциянинг фуқаролик хавфсизлиги хизмати (Sécurité Civile) фавқулодда вазиятларда аҳолини химоя қилиш бўйича асосий давлат тузилмаси ҳисобланади. Унинг вазифаларига қуйидагилар киради:*

✓ *табиий офатлар ва техноген фавқулодда вазиятларда қутқарув ишларини мувофиқлаштириш;*

✓ *миллий фавқулодда вазиятлар тизимини бошқариш;*

✓ *Евроиттифоқ доирасида ҳудудий ҳамкорлик операцияларини ташкил этиш.*

✓ *б) Қизил Хоч ва маҳаллий кўнгиллилар гуруҳлари<sup>31</sup> — Францияда Қизил Хоч миллий жамияти ва маҳаллий кўнгиллилар фавқулодда вазиятларда жамоат ёрдам кўрсатувчи асосий тузилмалар ҳисобланади. Уларнинг асосий вазифалари:*

✓ *Офат қурбонларига тиббий ёрдам кўрсатиш;*

✓ *Эвакуация жараёнида иштирок этиш;*

✓ *Табиий офатлардан зарарланган ҳудудларда гуманитар ёрдам ташкил этиш.*

<sup>29</sup> Hyogo Framework for Action (2005–2015): Япониянинг офатларни бошқариш соҳасидаги халқаро мажбуриятларини белгилаган. Шунингдек, Sendai Framework for Disaster Risk Reduction (2015–2030): Табиий офатларнинг олдини олиш ва зарарланиш хавфини камайтириш бўйича халқаро ҳамкорлик стратегияси.

<sup>30</sup> Code de la sécurité intérieure (Франция ички хавфсизлик кодекси): Фуқаролик хавфсизлиги хизматининг асосий ваколатларини белгилайди. Шунингдек, Disaster Risk Management Law (1987): Табиий ва техноген офатларда жавоб бериш жараёнини ҳуқуқий тартибга солади.

<sup>31</sup> Женева конвенциялари: Қизил Хочнинг халқаро даражадаги ваколатларини белгилайди. Шунингдек, Франция қонунчилигида кўнгиллиларни химоя қилиш қонуни: Кўнгиллилар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан қафолатлайди.

## 2. Ҳамкорлик тартиби. Бунга:

✓ а) *Тезкор ахборот алмашинуви*<sup>32</sup> — Францияда тезкор ахборот алмашинуви куйидаги механизмлар орқали амалга оширилади:

✓ **SAIP (Système d'Alerte yet d'Information des Populations)** (Фавқулодда вазиятларда аҳолини огоҳлантириш ва тезкор маълумот етказиш учун ишлатиладиган автоматлаштирилган тизим);

✓ **Фавқулодда вазиятлар марказлари** (Фавқулодда вазиятлар бўйича маълумотларни тўплаш ва тарқатиш учун ташиқил этилган ҳудудий марказлар).

✓ б) *Евроиттифоқ доирасида қўшма ҳудудий операциялар*<sup>33</sup> — Франция Евроиттифокнинг фавқулодда вазиятларни бошқариш доирасида фаол иштирок этади.

Асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:

✓ **Европа Иттифоқининг Қутқарув Механизми (Union Civil Protection Mechanism):** Фавқулодда вазиятларда Евроиттифоқ мамлакатлари ўртасида ресурсларни тақсимлаш ва ҳамкорликни таъминлайди;

✓ **Мултидисциплинар қўшма машғулотлар:** Евроиттифоқ доирасида Франциянинг ҳудудий хизматлари халқаро қутқарув машғулотларида қатнашади.

## 3. Инновация ва технологиялар<sup>34</sup> — Франция фавқулодда вазиятларни бошқариш жараёнида илғор технологиялардан фойдаланади. Бунда:

✓ **дронлар ва сунъий интеллект:** Офатларни кузатиш ва зарарни баҳолашда фойдаланилади;

✓ **автоматлаштирилган хавф-хатар баҳолаш тизимлари:** Табiiй ва техноген хавфларни прогноз қилиш учун ишлатилади.

## 4. Халқаро ҳамкорлик<sup>35</sup> — Франция халқаро даражада фаол ҳамкорликни амалга оширади. Унинг асосий йўналишларга:

✓ **БМТнинг Офатларни камайитиш бўйича халқаро Стратегияси (UNDRR)** (Табiiй офатлардан зарарланиш хавфини камайитиш бўйича чора-тадбирларда иштирок);

✓ **НАТОнинг гуманитар операциялари** (Табiiй ва техноген офатларда қўшма операцияларда иштирок этиш).

Юқоридаги келтирилган маълумлардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида Францияда фавқулодда вазиятларни бошқариш тизими юқори даражада мувофиқлаштирилган ва ҳуқуқий асосланган бўлиб, халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлайди. Бу тизимнинг инновацион ёндашувлари ва Евроиттифоқ доирасидаги ҳамкорлик механизмлари

<sup>32</sup> **SAIP қонуни:** Огоҳлантириш тизимининг ҳуқуқий асосларини белгилайди. Шунингдек, **Data Sharing Act (2016):** Ахборот алмашинуви жараёнини тартибга солувчи қонун.

<sup>33</sup> Council Decision (1313/2013/EU): Евроиттифокнинг фавқулодда вазиятларда қўшма жавоб бериш жараёнини тартибга солади. Шунингдек, Европа Иттифоқи хавфсизлик стратегияси: Франциянинг Евроиттифоқ миқёсидаги вазифаларини белгилайди.

<sup>34</sup> Digital Transformation Act: Фавқулодда вазиятларда технологиялардан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солади. Шунингдек, Data Protection Act: Ахборот тизимлари орқали йиғилган маълумотларни химоя қилишни таъминлайди.

<sup>35</sup> Женева конвенциялари: Франциянинг халқаро гуманитар операциялардаги мажбуриятларини белгилайди. Шунингдек, Hyogo Framework for Action (2005–2015) ва Sendai Framework (2015–2030): Табiiй офатлар хавфини камайитиш бўйича халқаро стратегиялар.

Ўзбекистон учун самарали тажриба бўлиши мумкин. Тезкор ахборот алмашинуви, фуқаролик хавфсизлигини таъминлаш ва халқаро миқёсдаги қўшма операциялар Ўзбекистондаги фавқулодда вазиятлар бошқаруви тизимини ривожлантиришга кўмаклашади.

**ШВЕЦИЯ** давлати — ушбу мамлакатда фавқулодда вазиятларни бошқариш соҳасида самарали ва барқарор тизимга эга бўлиб, давлат, маҳаллий ҳукумат ва қўшни давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик асосида ишлайди. Ушбу тизимнинг марказида фуқаролик хавфсизлигини таъминлаш ва фавқулодда вазиятларга жавоб бериш бўйича масъул MSB агентлиги туради.

### **1. Асосий ташкилотлар. Буларга:**

✓ Swedish Civil Contingencies Agency <sup>36</sup> (Фуқаролик хавфсизлигини таъминлаш бўйича агентлик (MSB)) — фавқулодда вазиятларни бошқаришнинг марказий органи ҳисобланади. Унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

✓ *табиий офатлар ва техноген фавқулодда вазиятларга жавоб бериш учун миллий стратегияларни ишлаб чиқиш;*

✓ *давлат ва маҳаллий ҳукумат органлари ўртасида мувофиқлаштирувчи ролни бажариш;*

✓ *фавқулодда вазиятларда хавф-хатарларни камайтириш бўйича тадбирларни ташкил этиш.*

### **2. Ҳамкорлик тартиби. Буларга:**

✓ а) *давлат ва маҳаллий ҳукуматлар ўртасидаги ҳамкорлик*<sup>37</sup> — Швецияда давлат ва маҳаллий ҳукуматлар ўртасида самарали ҳамкорлик механизмлари йўлга қўйилган. Бу жараёнда қуйидаги дастурлар ва ёндашувлар қўлланилади:

✓ *миллий фавқулодда вазиятлар бошқаруви дастурлари* (давлат ва маҳаллий даражада хавфларни баҳолаш ва жавоб чораларини ишлаб чиқиш учун умумий дастурлар амалга оширилади);

✓ *Маҳаллий ҳукуматнинг масъулияти* (ҳар бир муниципалитет ўз ҳудудидаги хавф-хатарларни баҳолаш ва зарарланишни камайтириш бўйича чораларни амалга ошириш учун масъул).

✓ б) *Қўшни давлатлар билан трансчегаравий ҳамкорлик*<sup>38</sup> — Швеция қўшни давлатлар билан трансчегаравий фавқулодда вазиятлар бошқаруви бўйича ҳамкорликни амалга оширади. Асосий йўналишлари:

✓ *Скандинавия ҳамкорлиги* (Норвегия, Финляндия ва Дания билан офатларга жавоб беришда ресурсларни тақсимлаш ва қўшма маишулотларни ташкил этиш);

<sup>36</sup> **Swedish Emergency Management Act:** MSBнинг фавқулодда вазиятлар бошқарувидаги ваколатларини белгилайди. Шунингдек, **Civil Protection Act (2003):** Фуқаролик хавфсизлигини таъминлаш бўйича миллий қонун.

<sup>37</sup> Local Government Act (1991): Маҳаллий ҳукуматларнинг фавқулодда вазиятлардаги ролини белгилайди. Шунингдек, Swedish Civil Defence Act: Давлат ва маҳаллий ҳукуматлар ўртасидаги ҳамкорлик асосларини белгилайди.

<sup>38</sup> **Nordic Cooperation Agreement:** Скандинавия давлатлари ўртасида фавқулодда вазиятлардаги ҳамкорликни тартибга солади. Шунингдек, **EU Civil Protection Mechanism (1313/2013):** Европа Иттифоқининг трансчегаравий ҳамкорлик асосларини белгилайди.

✓ *Европа Иттифоқи доирасидаги ҳамкорлик* (Европа Иттифоқининг қутқарув механизми (Union Civil Protection Mechanism) орқали Евроиттифоқ мамлакатлари билан жавоб чораларини мувофиқлаштириш).

2. *Инновация ва технологиялар*<sup>39</sup> — Швеция фавқулодда вазиятларни бошқаришда илғор технологиялардан фойдаланади. Буларга:

❖ *ахборот алмашинувининг рақамли платформалари*: MSB рақамли тизимлар орқали давлат ва маҳаллий ҳукуматлар ўртасида ахборот алмашинувини таъминлайди;

❖ *сунъий интеллект ва дронлар*: табиий офатларни кузатиш ва зарарни баҳолаш учун ишлатилади;

❖ *эркин таълим платформалари*: фавқулодда вазиятларда аҳолини тайёрлаш учун онлайн курслар ва ахборот тарқатувчи платформалар яратилган.

4. *Халқаро ҳамкорлик*<sup>40</sup> — Швеция халқаро даражада фаол ҳамкорликни қуйидаги йўналишларда амалга оширади. Буларга:

❖ *БМТ доирасидаги фавқулодда вазиятлар бошқаруви* (Швециянинг БМТнинг Офатларни камайтириш бўйича халқаро Стратегияси (UNDRR) доирасидаги иштироки);

❖ *Европа Иттифоқининг трансчегаравий ташаббуслари* (Европа Иттифоқи билан қўшма қутқарув операциялари).

5. *Қўшма машғулотлар ва тренинглар* — MSB мунтазам равишда маҳаллий ва халқаро даражада қуйидаги қўшма машғулотлар ва тренинглар ўтказади. Буларга:

❖ *Европа Иттифоқи билан ҳамкорликда машғулотлар* (қутқарув хизматлари ва хавф-хатарни баҳолаш соҳасида ўқувлар);

❖ *маҳаллий даражадаги машғулотлар* (ҳар бир муниципалитет аҳолисини фавқулодда вазиятларга тайёрлаш).

Юқоридаги келтирилган маълумлардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида Швецияда фавқулодда вазиятларни бошқариш тизими давлат ва маҳаллий ҳукуматлар ўртасидаги ҳамкорлик ҳамда қўшни давлатлар билан трансчегаравий ҳамкорликка асосланган.

Тизимнинг кучли ҳуқуқий базаси ва илғор технологиялардан фойдаланиши уни самарали қилади. Ўзбекистон Швециянинг мазкур тажрибасини ўрганиб, ўз миллий тизимини такомиллаштиришда фойдаланиши мумкин.

Юқорида илгари сурилган ҳорижий олимларнинг илмий қарашлари ва ривожланган Россия, АҚШ, Германия, Франция, Швеция ва Япония каби давлатларнинг фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Миллий гвардия ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида қуйидаги асослантирилган таклифлар илгари сурилади. Буларга:

<sup>39</sup> **Digital Services Act**: Рақамли технологиялардан фойдаланишни тартибга солувчи миллий қонун. Шунингдек, **Public Information Act**: Ахборот алмашинуви ва маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича қоидалар.

<sup>40</sup> Sendai Framework for Disaster Risk Reduction (2015–2030): Халқаро даражада хавф-хатарларни камайтириш бўйича стратегия. Шунингдек, EU Disaster Law: Европа Иттифоқи доирасида фавқулодда вазиятларни бошқариш ҳуқуқий асослари.

*биринчидан*, идоралараро ҳамкорликни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш зарур.

Мазкур таклиф, россиялик ҳуқуқшунос олим В.Б. Игнатъев томонидан илгари сурилган идоралараро ҳамкорлик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ФВВ ва Миллий гвардия ўртасидаги ўзаро муносабатларни аниқ белгилайдиган *“Фавқулодда вазиятларда давлат идораларининг ўзаро ҳамкорлигини тартибга солиш тўғрисида”ги* қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш;

*иккинчидан*, Германия давлати фаолият юритувчи ВВК ва ТНВ ташкилотлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ҳудудий даражада мувофиқлаштириб турувчи ижобий тажрибадан келиб чиқиб, Янги Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудудда қуйидаги: 1) фавқулодда вазиятларда тезкор ахборот алмашинуви; 2) қўшма эвакуация ва кутқарув операцияларини бошқариш ва 3) жойларда хавф-хатарларни мунтазам мониторинг қилиш каби вазифаларни қамраб олган *ФВВ ва Миллий гвардия вакиллари*дан иборат қўшма мувофиқлаштирувчи марказлар ташкил этиш;

*учинчидан*, Япониядаги Disaster Information System ва АҚШдаги ЕМАС ахборот платформаларидан келиб чиқиб, ҳудудларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун киберхавфсизлик чораларини кўрган ҳолда *ФВВ, Миллий гвардия ва маҳаллий ҳокимият органларини ўзаро боғлайдиган идоралараро ахборот алмашинувининг автоматлаштирилган рақамли тизимини ишлаб чиқиш*;

*тўртинчидан*, АҚШ ва Германия давлатларининг ўртасида фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўришда ўтказиладиган қўшма ўқув машғулотлар тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакатда йиллик режа асосида ФВВ ва Миллий гвардия учун қўшма тренинглар, жумладан, халқаро экспертлар иштирокидаги *қўшма ўқув машғулотларини ташкил қилиш орқали кадрлар малакасини тизимли ошириш*;

*бешинчидан*, Германия давлатининг ФВВ самарадорлигини ошириш мақсадида маҳаллий хусусий компанияларнинг ресурсларидан (техника, логистика) фавқулодда вазиятларда фойдаланиш тартиби каби ижобий тажрибасини **миллий қонунчилликка** сингдириш;

*олтинчидан*, Япония ва Франция каби давлатларнинг БМТ ва Евроиттифоқ ташкилотлари билан интеграцияланган ҳамкорлик тажрибасидан келиб чиқиб, қуйидагиларни тизимли амалга ошириш лозим. Хусусан, *биринчидан*, “БМТнинг Офатларни Камайтириш Стратегияси доирасида Ўзбекистон иштирокини кучайтириш”, *иккинчидан*, “Евроиттифоқнинг Қутқарув Механизмига Ўзбекистонни боғлайдиган келишув” ишлаб чиқиш.

Юқорида илгари сурилган таклиф ва тавсиялардан келиб чиқиб, якуний хулоса қиладиган бўлсак, фавқулодда вазиятларда ҳамкорликнинг энг барқарор натижалари ягона бошқарув (incident command), стандартлаштирилган SOPлар, рискка асосланган режалаштириш, ерта огоҳлантириш ва ресурс-логистика бошқаруви тизимлари ўзаро интеграция қилинган шароитда таъминланади. Ҳорижий амалиётдан келиб чиқадиغان муҳим сабоқлар — ваколат ва жавобгарликни ҳуқуқий жиҳатдан аниқ чегаралаш, маълумотлар ишончилиги ва кибербарқарорликни кафолатлаш, қўшма ўқув-машқларни доимий циклга айлантириш, ҳамда KPI орқали натижадорликни баҳолаш механизмларини жорий этишдан иборат.

Демак, илғор тажрибани миллий шароитга мослаштириш ҳамкорликни “реактив жавоб” даражасидан “профилактика ва тайёргарликка таянган тизимли бошқарув” босқичига олиб чиқишга хизмат қилади.